


**Mas'uliyati cheklangan
jamiyat shaklidagi
"NAMANGAN
OPTIMAL AUDIT"
auditorlik tashkiloti**



**Аудиторская организация
в форме общества с
ограниченной
ответственностью
"NAMANGAN
OPTIMAL AUDIT"**

Namangan sh, Marg'ilon ko'cha 10. ATIB «Ipotekabank» Namangan filiali, h/r: 20208000404918543001, MFO: 00223, OKNX: 84400, INN: 207120727. Tel: 0(369) 227-90-13, 0(369) 227-97-49. Faks: 0(369) 227-91-78.

МУСТАКИЛ АУДИТОРИНГ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Сана: 10 май 2025 йил.

**"NAMANGAN CHORSU UNIVERSAL
DEHQON BOZORI" АЖ (INN:200055321)
рахбариятига**

Фикр билдирилиши.

Бизлар, масъулияти чекланган жамияти шаклидаги **"NAMANGAN OPTIMAL AUDIT"** аудиторлик ташкилоти директори М. Тожибаев (*Ўзбекистон Республикаси Б ва АИМининг 2022 йил 22 май кунги №05933-сонли аудитор малака сертификатида эга*) ва аудитор Абдувалиев Ғ.С (*Ўзбекистон Республикаси Б ва АИМининг 2022 йил 22 май кунги №05937-сонли аудитор малака сертификатида эга*) **"NAMANGAN CHORSU UNIVERSAL DEHQON BOZORI"** акциядорлик жамиятининг 2024 йил якуни бўйича тузилган **"Бухгалтерия баланси"** ҳисоботи, **"Молиявий натижалдар тўғрисида"**ги ҳисоботи, ўз капитали тўғрисидаги ҳисоботи, ва **"Пул оқимлари тўғрисида"**ги ҳисоботидан, шунингдек ҳисоб сиёсати ахамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботи аудитини ўтказдик.

Фикр билдириш учун асос.

Биз аудитни, Аудитнинг Миллий ва халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз **"Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг маъсулияти"** бўлимда баён қилинган. Биз аудит қилинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ Кодексига мувофиқ **"NAMANGAN CHORSU UNIVERSAL DEHQON BOZORI"** акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик. Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларни ўз фикрмизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Рахбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги.

Жамият рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро ва миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур АХС (МСА) бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий хисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато тўғрисида молиявий хисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бўзиб кўрсатишлар таваккалчиликга берилган баҳога боғлиқдир.

Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий хисоботларини тайёрланиши ва ҳаққоний тақдим этилиши билан боғлиқ ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказилишида қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг умумий ифодаланишидаги баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз томондан олинган аудиторлик далилларни ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Қонунчилик ва тартибга солувчи органларнинг бошқа талаблари бўйича ҳисобот.

Аудиторлик ҳисоботи мазкур қисмининг шакли ва мазмуни аудиторнинг ҳисоботларини тақдим этиш бўйича бошқа вазифалари хусусиятига қараб ўзгаради.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “NAMANGAN CHORSU UNIVERSAL DEHQON BOZORI” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабргача бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий ҳисоботларнинг натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний ва ишончли акс эттиради.

МЧЖ шаклидаги
“NAMANGAN OPTIMAL AUDIT”
аудиторлик ташкилоти директори:



Аудитор:

М. Тожибаев

Ғ. Абдувалиев

(Ўзбекистон Республикаси Б ва АИМининг
2022 йил 22 май кунги №05937-сонли
аудитор малака сертификатига эга)